Ушбу сонда:
2 САЙЛОВ ҚОНУНЛАРИ АМАЛДА
3 Бир шикоят изидан «...МЕНГА АДОЛАТ ҚИЛИНГ»
4 ДИЛГА ЯҚИН ҚЎШИҚ СЕҲРИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 29 октябр, жума № 152 (799)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## Ислом Каримовнинг китоби ҳинд тилида нашр этилди

***Ҳиндистоннинг йирик матбаа компанияларидан бири «UBC Publishiers Distributors Ltd» яқинда Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобини ҳинд тилида нашр этди. Бу нашрга Ҳиндистон Ташқи ишлар вазири Джасвант Сингх сўзбоши ёзди. Сўзбошида бундай дейилади:***

«Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон ХХ1 аср бўсағасида» китобига сўзбоши ёзиш мен учун катта шараф ва имтиёздир. Мен бу китоб Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги чуқур тарихий алоқаларнинг рамзи бўлиб қолади, деб ўйлайман.

Китобда аср охирида Ўзбекистон олдида пайдо бўлаётган хавф-хатар ва қийинчиликлар кўриб чиқилади ҳамда китобхонлар эътиборига бу хавф-хатар ва қийинчиликларни бартараф этишнинг аниқ, танқидий таҳлилга асосланган стратегияси ҳавола этилади.

Президент Каримов бу китобида маҳаллий можаролар, диний ақидапарастлик ва консерватизм каби салбий ҳодисаларнинг хунук оқибатларини таҳлил қилади. Бироқ бу таҳдидлар алоҳида бир мамлакат доирасида чекланмаган, улар ривожланаётган барча мамлакатларни, айниқса қўшни давлатларни ташвишга солмоқда. Муаллифнинг фикрича, хавфсизликка таҳдид ҳамма ерда вужудга келиши мумкин.

Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари жўғрофий ва тарихий жиҳатдан бир-бирига боғлиқ. Бу минтақаларнинг миллий манфаатлари сингари, хавфсизлик муаммолари ҳам бир-бирига боғлиқдир.

Китобдаги таҳлил ҳамда хавфсизлик, барқарорлик ва уларни мустаҳкамлаш борасидаги нуқтаи назар хавфсизлигимиз муаммоларини стратегик жиҳатдан таҳлил қилиш билан мунтазам шуғулланаётган сиёсатчи ва социологларимиз учун жуда қимматлидир.

Мен Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар узоқ тарихга эга экани ва бу тарих олис мозийга бориб тақалишини ҳамиша таъкидлаб келганман. Лекин бу соҳада кўп иш қилиб бўлмаяпти. Чунки биз кўпинча Марказий Осиё тарихини Ҳиндистонга ҳам таъсир ўтказиб, тарих йўлини ўзгартириб юборган диний ислоҳотчилар билан боғлашга мойилмиз.

Мен Бобурни назарда тутяпман. Бобур ҳам, унга қадар Темур ва Чингизхон ҳам фақат исмларгина эмас, балки тарихимизнинг ажралмас қисми экани ҳақида гапириш ортиқчадир. Шунинг учун ҳам Ҳиндистоннинг Ўзбекистон билан алоқаларининг батафсил таҳлили етарли эмас. Иккала мамлакатнинг тарихий алоқаларини очиб бериш учун ҳали кўп иш қилиш керак.

Мен Марказий Осиёга илгари ҳам кўп марта борганман. Бу минтақага яқинда қилган сафарим давомида иккала мамлакат тақдири ўтмишдаги каби ҳозир ҳам бир-бири билан туташиб кетганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Мен тараққиётимизнинг Ўзбекистон билан алоқасини эслатиб ўтдим. Кушон, Мўғул даврларининг тарихий ўхшашлиги, Ипак йўлининг бошланиши, мамлакатларимиз ўртасида товар ва ғояларни айирбош қилиш тўғрисида жуда кўп ёзилган. Аммо биз ўрта асрлар даврида нималар бўлгани тўғрисида етарли ахборотга эга эмасмиз. Бу даврда ўша муносабатларни сақлаб қолиш учун саъй-ҳаракат бўлганми? Ўзаро равнақ ва тараққиёт арафасида бу муносабатларни қайта тиклаш ва мустаҳкамлашни бошлайдиган энг яхши вақтдир.

90-йилларда Марказий Осиё давлатларининг пайдо бўлиши минтақанинг жўғрофий-сиёсий манзарасини ўзгартирибгина қолмай, ўзаро янги, истиқболли муносабатларни ривожлантириш учун имконият ҳам яратиб берди.

Келинг, минтақадаги энг долзарб вазиятни кўриб чиқайлик. Янги мустақил давлатлар ўзларининг илгариги нуфузи ва табиий ресурсларини сақлаб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳозир улар ўз тақдирини яратиш билан машғул. Улар улкан иқтисодий ислоҳотларни амалга оширмоқда ва коллектив инвестицияларнинг оқиб келишини рағбатлантирмоқда.

Бироқ, мана шу ўтиш даврида улар ҳам ижтимоий соҳада, жўғрофий жойлашишда, ресурсларнинг нотекис тақсимланишида пайдо бўладиган муаммолар мажмуига дуч келмоқда. Минтақанинг бу жўғрофий-сиёсий ва иқтисодий нозиклиги ташқи кучларни жалб қилмоқда ҳамда бу мамлакатлар учун таҳдидга янги шарт-шароит яратмоқда. Ана шу ташқи кучларнинг айримлари минтақа халқларига ҳайрихоҳ бўлиши мумкин, лекин кўпчилиги ҳайрихоҳ бўлолмайди.

Шубҳасиз, «Катта ўйин»дан мақсад - минтақадаги улкан ресурслар устидан назорат ўрнатишдир. Куч ишлатиш сиёсати минтақага турлича таъсир қилмоқда. Ижтимоий қалтис шароитда диний ақидапарастлар ва террористик кучлар бош кўтармоқда. Афғонистон муаммоси ҳам қўшни мамлакатлар хавфсизлигига таҳдид солмоқда.

Ҳиндистон билан Ўзбекистон чегарадош бўлмаса-да, иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий устуворликларида фарқ бўлса-да, икки томонлама дўстона муносабатларни ривожлантириш зарурати мавжуд.

Иқтисодий ҳамкорлик келгусида иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг асосига айланиши лозим. Марказий Осиёдаги янги мустақил давлатлар Ҳиндистон учун технологик ноу-хау ва инфратузилмалар тараққиёти соҳасида жозибали бозордир. Ҳиндистон бу мамлакатларда юз бераётган саноатни либераллаштириш жараёнида иштирок этиб, минтақадаги асосий вазиятдан ўз нафини кўзлаб фойдаланиши мумкин. Ҳозирги даврнинг муаммолари вақтинчалик эканлигини ва улар бу муаммоларни аста-секин бартараф этаётганликларини биламиз. Мен уларнинг ҳозирги муаммолари олдида турган порлоқ истиқболини кўряпман. Қўшма корхоналар орқали Ҳиндистон уларнинг ўз табиий ресурсларидан оқилона фойдаланишларига ҳисса қўшиши мумкин ва лозим. Ишлаб чиқариш, хизмат, илм-фан ва технология каби соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришга умид боғлаймиз. Биз Марказий Осиё билан муносабатларимизни мустаҳкамлашимиз шарт.

Ҳамкорликнинг яна бир муҳим соҳаси - миллий хавфсизлик ва ижтимоий фаровонлик бўлиб, бу соҳада биз душман кучларга қарши биргалашиб курашмоғимиз зарур. Биз халқаро терроризмга, қурол-яроғ ва ўқ-дорилар билан ғайриқонуний савдо қилишга қарши биргалашиб курашмоғимиз зарур. Афғонистонда тинчликни тиклаш бизнинг умумий мақсадимиз бўлиб, унга эришиш - афғон халқининг кулфатларини камайтирибгина қолмай, балки Марказий Осиё мамлакатларининг жаҳон океанига чиқишига ҳам кўмаклашади.

Бу янги савдо йўли Ҳиндистоннинг Марказий Осиё бозорига чиқишига ёрдам беради. Ўзбекистон Марказий Осиёнинг ўртасида жойлашган ва биз учун қўшма иқтисодий корхоналарда ҳам, терроризмга қарши курашимизда ҳам муносиб иқтисодий шерик бўлиб қолиши мумкин.

Шу жиҳатдан қараганда, китоб алоҳида аҳамиятга эга. Китоб айни Президент Каримов томонидан ёзилгани асарнинг қадр-қимматини янада оширади.

**Джасвант Сингх,**
**Ташқи ишлар**
**вазири.»**

**ЎзА - «Жаҳон»**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

**Президент Жаноби Олийлари,**

25 октябр куни қуролли жангарилар томонидан шу йил 23 августда Қирғизистон Республикасининг Ўш вилоятида гаровга олинган тўрт нафар Япония фуқароси эсон-омон озод қилингани тўғрисидаги хабардан воқиф бўлдим.

Бу муждадан озод этилган фуқаролар, уларнинг оила аъзолари ва бутун япон халқи билан биргаликда ғоят қувонганимни маълум қилмоқчиман. Мазкур муаммони ҳал этишда ёрдам беришингизни сўраб, Сиз Жаноб Олийларига шу йил 29 августда йўллаган мактубим орқали мурожаат қилган эдим.

Жаноби Олийлари, Сизнинг ҳамда ҳукуматингиз масъул шахсларининг мазкур можаро бошланишидан то шу кунгача япон фуқароларини тезроқ ва хавф-хатарсиз озод қилиш йўлидаги ҳамкорлигингиз учун Япония ҳукумати ва халқи номидан самимий миннатдорлик билдиришга рухсат этгайсиз.

Япония Марказий Осиё мамлакатлари барқарорлиги ва равнақи йўлида бундан буён ҳам ўзаро ҳамкорликни давом эттириш ниятидадир. Халқларимиз ўртасидаги дўстлик янада мустаҳкамланишидан умидвор эканлигимни маълум қилишга рухсат этгайсиз. Бу дўстликнинг мустаҳкамлиги мазкур муаммони ҳал этиш йўлидаги ҳамкорлик боис яна бир карра тасдиқланди.

**Камоли эҳтиром билан,**
**Кэйдзо ОБУЧИ,**
**Япония Бош вазири**
**1999 йил 26 октябр.**

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 октябр куни Оқсаройда Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Киоко Накаямани унинг илтимосига биноан қабул қилди.

Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги муносабатлар кўлами кенгайиб бормоқда. Мамлакатларимизнинг ҳамкорлиги савдо-иқтисодий ва маданий соҳалардан ташқари, ижтимоий, сиёсий масалаларни ҳам тобора кенгроқ қамраб олаётир. Хусусан, яқинда Қирғизистоннинг Боткен туманида халқаро террорчилар томонидан гаровга олинган тўрт нафар япон геологини озод этишга кўмаклашиш борасида Ўзбекистон томони қўлдан келган барча имкониятларни ишга солди.

Киоко Накаяма хоним Президентимизга Япония Бош вазири Кэйдзо Обутининг гаровдаги япон геологларини озод қилишда яқиндан ёрдам кўрсатгани учун Ўзбекистон раҳбарига йўллаган миннатдорлик мактубини топширди ва мазкур мамлакатнинг расмий вакили сифатида Ислом Каримовга шахсан ўзи ҳам самимий миннатдорлик изҳор этди.

Суҳбат чоғида икки давлат ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

**Суратда: Қабул пайти.**
**А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

## ДЎСТ БОШГА ИШ ТУШГАНДА БИЛИНАДИ

### *Ўзбекистон маданият ва жамоат арбобларининг баёноти*

***28 октябр куни Тошкентдаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон жамоатчилиги вакиллари, таникли фан ва маданият арбоблари, республика ижодий уюшмалари, миллий-маданий марказларнинг раҳбарлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.***

***Йиғилишда ён қўшнимиз бўлган Қирғизистон жанубида кейинги уч ой давомида рўй берган нохуш воқеалар ва уларнинг оқибатлари атрофлича таҳлил қилинди.***

***Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад, Ўзбекистон халқ шоирлари Эркин Воҳидов, Ойдин Ҳожиева, адабиётшунослар Иброҳим Ғафуров, Аҳмаджон Мелибоев, академиклар Бўрибой Аҳмедов, Тўхтамурод Жўраев, Ўзбекистон халқ артистлари Зикир Муҳаммаджонов, Гулчеҳра Жамилова, Ғуломжон Ёқубов, Абдуҳошим Исмоилов, таникли журналист Зиёд Есенбоев, кинорежиссёр, Ўзбекистон халқ артисти Шуҳрат Аббосов, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг раиси Рустам Абдуллаев ва бошқалар йиғилишда сўзга чиқиб, мазкур воқеалар муносабати билан одамларни ўйлантираётган, афсус ва хавотирга солаётган масалалар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Йиғилишда мустақил Қирғизистон ҳудудига сурбетларча бостириб кирган, бегуноҳ одамларни ўлдириб, мол-мулкини талаган, диний ниқоб кийган террорчи тўдаларнинг тўла яксон қилинмаганига, бунинг ўрнига улар билан турли мулоқотлар олиб борилганига таассуф билдирилди. Бундай воқеалар яна такрорланиши мумкинлигидан кенг жамоатчилик ташвиш тортаётганини, бунга асло йўл қўймаслик учун барча тегишли чора-тадбирлар кўриш зарурлиги таъкидланди.***

***Йиғилиш сўнггида Ўзбекистон маданият ва жамоат арбобларининг баёноти қабул қилинди.***

***Қуйида ана шу баёнот матни эътиборингизга ҳавола этилмоқда.***

Қирғизистон жанубидаги воқеалар нафақат қирғиз халқининг, балки, бутун Марказий Осиё халқларининг бугунги ҳаётида из қолдирган ёвуз кучларнинг намойиши бўлди. Агар бу воқеаларни дунёдаги бошқа шу каби жараёнлар билан боғлиқликда олиб қарасак, уларнинг Чеченистон, Доғистон, Тожикистондаги хунрезликлар, Афғонистонда қарийб йигирма йилдан буён давом этаётган биродаркушлик уруши билан бевосита алоқадор эканини англаш қийин эмас.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Москвада нашр этиладиган «Время МН» газетасига берган интервьюсида таъкидлаганидек, бугунги кунда халқаро терроризм диний экстремизм марказлари билан бирлашиб кетди. Чунки террорчиларга одамларни алдаш, ҳали дунёқараши шаклланиб улгурмаган, ҳаёт тажрибаси етарли бўлмаган ғўр ёшларни чалғитиш ва ўз сафларига тортиш учун албатта диний ниқоб керак. Лекин бугун ҳеч кимга сир эмаски, экстремистлар ва уларнинг ортида турган, катта куч ва имкониятларга эга хориждаги марказларнинг асосий ва пировард мақсади — Марказий Осиё ва Кавказда жойлашган, аҳолисининг аксарият қисмини мусулмонлар ташкил этадиган минтақаларда яшайдиган халқларни ўз танлаган йўлидан, яъни бутун дунё қадам қўяётган тараққиёт, эркинлик ва муносиб ҳаёт қуриш йўлидан қайтаришдир.

Бунинг учун бу кучлар ҳар қандай ниқоблардан фойдаланмоқда, биринчи галда зўрлик-зўравонлик, куч ишлатиш, одамларни гаровга олиш, қўпорувчилик, ғоявий бузғунчилик воситасида ўрта асрларда ҳукм сурган тартибларни ўрнатишни кўзламоқда.

Қисқа қилиб айтганда, уларнинг асосий мақсади ана шундан иборат. Шу боис бугун террорчилик ва диний экстремизм хавф солиб турган минтақаларда яшаётган ҳар бир инсон, барчамиз эртанги кунимизга, фарзандларимиз тақдирига асло бефарқ қарамаслигимиз керак. Улар эртага қандай давлатда, қандай шароитда яшайди, ким уларнинг ҳаётини, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилади — болаларининг бахту саодати ҳақида қайғурадиган ҳар бир инсон бу хусусда жиддий ўйлаши зарур.

Биз ўз уйимизни, она юртимизни турли ёвуз кучлар, турли бало-қазолардан асраш, ота-боболаримиз ҳоки ётган мана шу тупроқнинг ҳар бир қаричини муқаддас билиб, уни ҳимоя қилишга доимо тайёр туришимиз керак. Ватан, миллатнинг ор-номуси, халқнинг ғururини ҳимоя қилиш йўлида мустаҳкам эътиқод, собит ирода билан мардона туриш — бугунги куннинг энг долзарб вазифаси, барчамизнинг виждоний бурчимиздир.

Агар шу нуқтаи назардан Қирғизистон жанубидаги воқеалар ҳақида фикр-мулоҳаза юритадиган бўлсак, бу ерда юритилган сиёсат ва баъзи хатти-ҳаракатлар кишини ўйга толдиради.

Мустақиллик эълон қилган ҳар қандай давлат ва унинг раҳбарияти ана шу мустақилликни мустаҳкамлаш, халқи учун муносиб турмуш шароити яратиб бериш мақсадида ўзига мақбул сиёсат олиб бориши табиийдир. Шу муносабат билан Ўзбекистон давлати ва жамоатчилиги Боткендаги воқеалар пайтида Қирғизистон раҳбарияти кўрган сафарбарлик ҳаракатини, армияни мустаҳкамлаш, унинг сафларини кенгайтириш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаш билан бирга, биринчилар қаторида қирғиз халқига елкадош бўлишини изҳор қилди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қирғизистон Ташқи ишлар вазирлигига йўллаган нотасида Ўзбекистон Қуролли Кучлари қардош Қирғизистоннинг ҳудудий яхлитлигини, чегараларининг дахлсизлигини, аҳолисининг тинчлик ва осойишталигини бузишга уринган ҳар қандай тажовузни бартараф этишда ёрдамга келишга тайёр эканини билдиргани ҳам бу фикрнинг тасдиғидир.

Шуни яна бир бор таъкидлаш керакки, кўпни кўрган, мард қирғиз халқи уч ой давом этган бу нохуш воқеалар мобайнида ўзининг қатъиятини, юртига сурбетларча бостириб кирган босқинчи тўдаларга муносиб зарба беришга, бундай ҳолатларга узил-кесил нуқта қўйишга қодир эканини изҳор этди ва амалда кўрсатди.

Қисқа давр ичида кўп синовлардан ўтган кишилар, афғон урушининг қатнашчилари, ҳарбий таълим кўрган йигитлар, овчи-мерганларнинг қўлига қурол олиб Ватани ҳимояси учун отлангани бунинг далилидир.

Лекин бу ҳаракатларнинг натижаси нима билан тугагани барчамизга аён.

Мамлакатининг тупроғини топтаган, бегуноҳ одамларни ўлдириб, мол-мулкини талаган, минглаб аҳолини қувғин қилиб қочоққа айлантирган манфур душманларни ер билан яксон қилиш ўрнига фақат уларни сиқиб чиқариш сиёсатини маъқул кўрган Қирғизистоннинг раҳбар доиралари мараз жангарилар, жирканч одамкушлар билан мулоқотга киришгани ҳар қандай ақли расо кишини таажжубга солади.

Ваҳоланки, халқаро қоида ва меъёрларга биноан, хусусан, БМТ 1994 йилда қабул қилган халқаро терроризмга қарши кураш тўғрисидаги декларацияга мувофиқ ва бутун дунё эътироф этган халқаро андозаларни тан олган ҳолда, ҳар қандай кўринишдаги — хоҳ сиёсий, хоҳ ғоявий, хоҳ диний ниқобдаги террорчилар ҳаракати қонунга зид деб баҳоланиши ва бартараф этилиши зарур. Бундай ҳаракатларнинг иштирокчилари эса қонунга биноан муқаррар суратда жазоланиши керак.

Ўз Ватани тупроғига бостириб кирган, фуқароларини гаровга олган ёвуз тўдалар етказган барча моддий ва маънавий зарарни тўғри баҳолаш ва босқинчиларга шунга яраша қақшатқич зарба бериш ўрнига жангариларнинг орқага қайтиши учун йўл очиш, улар билан музокаралар олиб бориш, яъни содда қилиб айтганда, уларни силаб-сийпаб изига қайтариб юбориш ҳеч қандай халқаро қоидаларга тўғри келмайди.

Халқаро тажриба ва кўп жойларда террорчиларга қарши олиб борилаётган кураш шуни исботлайдики, террорчи тўдаларга ён бериш, улар билан хуфиёна тил бириктириш, уларнинг талабларига кўниш — охир-оқибатда аянчли натижаларга олиб келиши муқаррар.

Албатта, гаровга олинган одамларни қутқариш ўз йўлига, лекин террорчилар билан музокарага киришиш — бу соғлом ақл тушуниши ва қабул қилиши қийин бўлган бир ҳолатдир.

Бу воқеаларнинг яна бир ажабланарли жиҳати шундаки, Ўзбекистон халқи ва жамоатчилиги Қирғизистонни энг яқин қўшниси, абадий дўстлик ҳақидаги шартнома билан тақдирини бир-бирига боғлаган биродари, деб билади. Бугун эса ана шу боқий дўстликка аҳд қилган давлат ва унинг раҳбарияти Ўзбекистондан қочиб кетиб дарбадар юрган, халқимизнинг нафрати ва тавқи-лаънатига дучор бўлган қотиллар, халқаро «Интерпол» ташкилоти қидирув эълон қилган ашаддий жиноятчилар, ўз Ватанига қарши қўл кўтарган, ўз юртига жабру ситамлар ўтказган маразлар билан мулоқотда бўлишини қандай тушуниш мумкин?

Мана шундай фикр-мулоҳазалар ҳар қандай одамни ўйга толдиради, ҳар бир виждонли ўзбек ва қирғиз фуқаросини қийнайди. Лекин бу масалада энг афсусланарли ва хатарли жиҳат шундаки, қирғиз ҳудудларига бир марта суқулиб кирган, ёвуз қилмишига яраша муносиб зарба олмасдан, аксинча, аллақандай махфий келишувлардан мазахўрак бўлиб қолган разил жангарилар бундан қутуриб кетмайдими? Эртага кўклам келиб, тоғ ва довон йўллари очилиши билан чет эллардаги қабиҳ ниятли марказлардан куч ва маблағ олиб, тиш-тирноғигача қуролланиб, яна Қирғизистон сарҳадларига бостириб кириб, мудҳиш кирдикорларини такрорламайди, деб ким кафолат бера олади?

Қирғизистон матбуотида, шу жумладан, расмий доиралар томонидан гоҳ-гоҳ мана шундай ғалати фикрларни ўқиш ва эшитиш мумкин: «Қирғизистонда ислом фундаментализми учун ҳеч қандай замин йўқ. Қирғизистоннинг қуролли ислом жангарилари томонидан агрессияга учрагани сабаб — унинг Фарғона водийсига ўтувчи йўл устида жойлашганидир. Чунки бу водий босқинчиларнинг асосий мақсади бўлиб, улар бу ерда ислом давлати тузиш учун ўзларини қўллаб-қувватловчи кучлар борлигига умид қилишади. Чунки, бу жангарилар асосан ўзбеклардан иборат».

Бундай «ўта маъноли» фикрларнинг мағзини чаққанда, беихтиёр кишининг хаёлида қуйидаги саволлар пайдо бўлиши табиийдир:

Биринчидан, бутун жаҳон афкор оммаси яхши биладики, террорчиларнинг миллати йўқ.

Иккинчидан, Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод вилоятлари Фарғона водийси ҳудудига кирмайдими?

Учинчидан, бир фараз қилайлик, агар Фарғона водийсида ислом давлати ва тизими куч билан ўрнатилгудек бўлса, демократия ороли бўлмиш Қирғизистоннинг аҳволи нима бўлади?

Ва ниҳоят, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Марказий Осиё Иқтисодий ҳамжамияти доирасида, Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида икки томонлама имзоланган ва парламентлар тасдиғидан ўтган шартнома ва ҳужжатларда қабул қилинган аҳдлашувлар — яъни ҳар қайси имзо чеккан мамлакат қўшни давлатларга қарши қаратилган ёвуз хатти-ҳаракатларга ўз ҳудудини бермаслик ҳақидаги мажбурият ва баёнотлар бекор қилиндими? Акс ҳолда юқорида зикр этилган, ақлга сиғмайдиган гапларга ўрин борми?

Бизнинг қатъий фикримиз шундан иборатки, бу каби енгил-елпи фикрлар вазиятни тўғри баҳоламаслик, миллионлаб одамлар тақдирини хавф остига қўйиш, ўт билан ўйнашишдан бошқа нарса эмас.

Биз қирғиз халқи билан асрлар давомида ёнма-ён яшаб келамиз. Бизларнинг бозоримиз ҳам, мозоримиз ҳам бир. Минг йиллар мобайнида яхши-ёмон кунларимизда бир-биримизга елкадош, ҳамкор-ҳамнафас бўлиб яшаганмиз. Қувончимиз ҳам, қайғумиз ҳам ўртада бўлган. «Дўст бошга иш тушганда билинади» деган доно мақол ҳар иккала халқ учун ҳам бирдек тушунарлидир.

Шунинг учун юқорида билдирилган фикрлардан мақсад — тарихи ҳам, тили, дини ҳам, келажаги ва эзгу мақсадлари ҳам бир бўлган халқларимизни яна бир бор огоҳликка чорлашдан иборатдир.

Бугун биз бир-биримизга қўл бериб, ўз элу юртларимизнинг тинчлиги, сарҳадларимизнинг дахлсизлигини таъминлашимиз зарур. Шу муқаддас заминда яшаб ўтган барча аждодларимизнинг ўлмас руҳи, фарзандларимизнинг келажак тақдири, эртанги кунимиз, ҳаётнинг ўзи шуни тақозо этади.

**Саид Аҳмад** — Ўзбекистон халқ ёзувчиси, **Эркин Воҳидов** — Ўзбекистон халқ шоири, **Хуршид Дўстмуҳаммад** — Матбуотни қўллаб-қувватлаш ва демократлаштириш жамғармаси раиси, **Иброҳим Норматов** — Ўзтелерадио компанияси раиси ўринбосари, **Жалолиддин Сафоев** — «Фидокор» газетаси бош муҳаррири, **Аҳмаджон Мелибоев** — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррири, **Азим Суюн** — «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррири, **Иброҳим Ғафуров** — «Миллий тикланиш» газетаси бош муҳаррири, **Ҳабибулла Олимжонов** — «Ватан тараққиёти» газетаси бош муҳаррири, **Тўхтамурод Тошев** — «Адолат» газетаси бош муҳаррири, **Ўткир Раҳмат** — «Қишлоқ ҳаёти газетаси бош муҳаррири, **Ойдин Ҳожиева** — «Саодат» журнали бош муҳаррири, **Бўрибой Аҳмедов** — «Амир Темур» жамғармаси раиси, академик, **Наим Каримов** — «Қатағон қурбонлари» жамғармаси раиси, профессор, **Фозила Сулаймонова** — филология фанлари доктори, **Абдуҳошим Исмоилов** — Ўзбекистон халқ артисти, **Ғуломжон Ёқубов** — Ўзбекистон халқ артисти, **Ўлмас Саиджонов** — Ўзбекистон халқ ҳофизи, **Гулчеҳра Жамилова** — Ўзбекистон халқ артисти, **Алишер Мирзаев** — Ўзбекистон халқ рассоми, **Ҳожиакбар Нурматов** — Ўзбекистон халқ артисти, **Зикир Муҳаммаджонов** — Ўзбекистон халқ артисти, **Суюн Қораев** — Ўзбекистон қирғиз миллий маданият маркази кенгаш аъзоси, **Зиёд Есенбоев** — «Ўзбекистон Матбуоти» журнали бош муҳаррири, **Турсунмат Холбоев** — Ўзбекистон қозоқ миллий маданият маркази раиси, **Қалдибек Сейданов** — «Нурли жол» газетаси бош муҳаррири, **Носир Фозилов** — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, ёзувчи, **Давлатбек Саъдуллаев** — Тожик миллий маданият маркази раиси, **Эсон Турдиқулов** — «Овози тожик» газетаси бош муҳаррири, **Жумақилич Омонов** — Туркман миллий маданият марказини таъсис этиш ташаббус гуруҳининг раиси, ТошДУ доценти, **Ўринбой Авездурдиев** — Тошкент шаҳар 2-стоматология поликлиникаси бош врачи, **Тўхтамурод Жўраев** — Фанлар академияси Президенти, академик, **Ашраф Аҳмедов** — Ўзбекистон тарихчилар жамияти раиси, **Иномжон Раҳмонов** — Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти раиси, **Муҳаммад Юсуф** — Ўзбекистон халқ шоири, **Рустам Абдуллаев** — Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси раиси, **Ҳабибулла Раҳимов** — Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси раиси ўринбосари, **Акмалжон Икромжонов** — Ўзбекистон бадиий академия раисининг биринчи ўринбосари, **Тоҳир Миржалилов** — Ўзбекистон бадиий академия раиси ўринбосари, **Маматқул Ҳазратқулов** — Ўзбеккино раисининг биринчи ўринбосари, **Исамат Эргашев** — Ўзбеккино раисининг ўринбосари, **Шуҳрат Аббосов** — Кинорежиссёр, **Муяссар Раззоқова** — Ўзбекистон халқ артисти, **Тўланбой Қурбонов** — Ўзбекистон қирғиз маданият маркази кенгаш аъзоси, **Мелис Абзалов** — Кинорежжисёр, **Дилбар Саидова** — «Оила ва жамият» газетаси бош муҳаррири, **Аъло Хўжаев** — «Ташкентская Правда» газетаси бош муҳаррири, **Амирқул Каримов** — Миллий матбуот маркази раиси, **Усмон Қўчқор** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси раиси.

**Тошкент шаҳри, 1999 йил 28 октябр.**

# Сайлов қонунлари амалда

***Юртимиз мустақилликка эришгач, ўзига хос ҳаёт тарзи вужудга келди. Масалан, фуқароларнинг сайловларда эмин-эркин иштирок этишлари, ўзлари юксак ишонч билдириб танлаган номзодларга яширин тарзда овоз беришлари қонун билан мустаҳкамланган. Зеро, эркинлик сўзи замирида инсон ҳуқуқларини ифода этувчи чуқур маъно мужассам.***

## СИЁСИЙ ФАОЛ БЎЛАЙЛИК

Сайловларга барча ерда қизғин тайёргарлик кетаётган шу кунларда мустақиллигимиз улуғ неъмат экани барча жабҳада кўзга ташланмоқда. Шу жумладан, сайлов соҳасида ҳам. Шукурки, эндиликда жаннатмакон юртимизда бутун дунё тан олаётган ҳақиқий демократик қадриятлар тантана қилаяпти. Бундай шароитда ҳар бир фуқаро сиёсий фаол бўлиши зарур деб ўйлайман. Бу-танлаган йўлдан оғишмай боришда, масъулиятли вазифаларни бажариш жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Бахтимиз қомуси - Ўзбекистон Конституциясида қонун йўли билан мустаҳкамлаб берилганидек, жинси, ирқи, тили, дини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси демократик давлатимиз ва жамиятимизни бошқаришда вакиллик органлари воситасида иштирок этади.

Шу кунларда собиқ шўро давридаги сайловларни ҳам бот-бот эсга олаяпмиз. Улар «саҳнавий томоша»га ўхшарди. Кишини ҳайратга соладиган яна бир томони ўша пайтдаги сайловларда қатнашмаслик сиёсий мухолифлик деб баҳоланарди. Кўпчилик сайловчилар ўзлари овоз бераётган номзодларни яхши билмаган ҳолда овоз беришарди. Натижада «марказ»нинг буйруғини сўзсиз бажарадиган, итоатгўй кишилар депутат этиб сайланишарди. Яхши эслайман, бир сигир соғувчи депутат бўлди. У сессияларда қатнашиб келгач, таассуротлари билан ўртоқлашишни сўраганимизда, икки оғиз гап айтолмаган. Тўғри, унда айб йўқ. Лекин қўғирчоқ депутатларнинг бўлиши кимларгадир жуда асқотарди.

Энди эса ҳаётимиз тубдан ўзгарди. Эътиқодли, билимдон, ўз кучига ишонган, ташаббускор, энг муҳими, эл ишига камарбаста инсонлар Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб кўрсатилди. Демак, XXI аср бўсағасида вужудга келаётган Парламентимиз халқимиз орзу қилган даражада бўлади дея, ишонч билан айтиш мумкин.

**Ибодулла ИРИСМЕТОВ,**
**аспирант.**

## БИЗДАН СЎРАБСИЗ

**Савол: Овоз бериш қачон бошланади?**

**В. ПОЛВОННАЗАРОВ,**
**Хива тумани.**

**Жавоб:** «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунига мувофиқ сайлов куни овоз бериш биноси участка сайлов комиссияси аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлгандагина очилади. Сайлов комиссиясининг раиси комиссия аъзолари ҳозирлигида сайлов қутисини муҳрлайди, сайлов бюллетенлари ва сайловчиларнинг рўйхатларини комиссия аъзолари ўртасида тақсимлайди ҳамда сайлов бошланганлигини эълон қилади. 37-моддада кўрсатилганидек, сайлов бюллетенларининг умумий сони алоҳида ҳужжат билан расмийлаштирилади.

**Савол: Округ бўйича сайлов натижаларини аниқлаш қандай тартибда амалга оширилади?**

**У.РАИМОВ,**
**Тошкент вилояти.**

**Жавоб:** Участка сайлов комиссияларининг баёнлари асосида округ сайлов комиссияси:

округ бўйича сайловчиларнинг умумий сонини;

сайлов бюллетенлари ва варақалари олган сайловчиларнинг сонини;

овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг сонини;

ҳар бир депутатликка номзодни ёқлаб ва унга қарши берилган овозлар сонини;

ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари ва варақалари сонини аниқлайди.

41-моддада берилганидек, округ бўйича сайлов натижалари сайлов комиссияси мажлисида аниқланиб, баёнда акс эттирилади. Баён раис, раис ўринбосари, комиссия котиби, комиссиянинг бошқа аъзолари томонидан имзоланиб, белгиланган тартибда Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилади.

**Савол: Фуқаролар сайловчилар рўйхатлари билан қачон таништирилади?**

**Д.БАРАТОВ,**
**Сурхондарё вилояти.**

Жавоб: Сайловчиларнинг рўйхатлари сайловга ўн беш кун қолганида, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган жойларда тузилган сайлов участкаларида эса сайловга етти кун қолганида ҳамма танишиши учун тақдим қилинади. Участка сайлов комиссияси рўйхат билан танишиш жойи ва вақти тўғрисида сайловчиларни хабардор этади.

31-моддада кўрсатилганидек, фуқароларга участка сайлов комиссияси биносида сайловчилар рўйхати билан танишиш имконияти таъминланади.

**Савол: Округ сайлов комиссиясининг ваколатлари нималардан иборат? Шу ҳақда маълумот берсангиз.**

**Р.АБДУҲАФИЗОВ,**
**Чиноз тумани.**

**Жавоб:** «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 13-моддасида шундай дейилган:

Округ сайлов комиссияси:

1) сайлов округи ҳудудида ушбу Қонун ижросини назорат қилади;

2) сайлов участкаларини тузади, округ бўйича уларнинг тартиб рақамини белгилайди, манзилини кўрсатган ҳолда уларнинг рўйхатини эълон қилади;

3) участка сайлов комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

4) маблағларни участка сайлов комиссиялари ўртасида тақсимлайди, участка сайлов комиссияларининг бинолар, транспорт, алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади ва сайлов округидан сайловни моддий-техника жиҳатидан таъминлашнинг бошқа масалаларини кўриб чиқади;

4(1) депутатликка номзодни қўллаб-қувватловчи имзо тўплашга оид имзо варақаларини сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг ваколатли вакилларида қабул қилиб олади, уларнинг тўғри тўлдирилганлигини текширади;

4(2) депутатликка номзодни қўллаб-қувватловчи имзо варақалари қабул қилинганлиги тўғрисида сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг ваколатли вакилларига варақа қабул қилинган кун қайд этилган маълумотнома беради;

5) депутатликка номзодлар сайлов кампаниясида иштирок этишлари учун тенг шароит яратилишини таъминлайди;

6) Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган депутатликка номзодлар тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади ва бу номзодларга тегишли гувоҳномалар беради;

7) депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга кўмаклашади;

8) депутатликка номзодларнинг ишончли вакилларини рўйхатга олади ва уларга тегишли гувоҳномалар беради;

9) сиёсий партиялар, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари вакилларининг, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини тинглайди;

10) сайловчилар рўйхатлари тузилиши ва уларнинг ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилишини кузатиб боради;

11) сайлов округи бўйича Марказий сайлов комиссияси тасдиқлаган намунага мувофиқ сайлов бюллетени матнини тасдиқлайди, бюллетенлар тайёрланиши ва участка сайлов комиссиялари улар билан таъминланишини ташкил этади;

12) сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлайди ва Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади;

13) такрорий овоз бериш ва такрорий сайлов, шунингдек бўшаб қолган ўринга депутат сайлови ўтказилишини ташкил этади;

14) участка сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқади ва улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

15) ушбу Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига мувофиқ ўзга ваколатларни амалга оширади.

## ОДАМЛАР ОРАСИДА

Шу кунларда мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси бўлажак сайловлар руҳи билан яшамоқда. Унда фаол иштирок этиш, Парламентимизда энг муносиб кишилар бўлишига эришишга ҳисса қўшиш катта бахт. 56-Отчопар округ сайлов участкасига келаётган фуқароларга синчков назар ташлар эканман, улар буни чуқур ҳис қилаётганликларига ишонч ҳосил қиламан.

Хоналар ёруғ, барча жиҳозлар билан таъминланган. Сайлов қонунчилигига оид адабиётлар, қўлланмаларни кишилар қизиқиш билан мутолаа қилишмоқда. Ҳар оқшом ўтказилаётган савол-жавоблар, ҳуқуқшунослар билан учрашувлар ва бошқа тадбирлар кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Маҳаллалардаги оқсоқоллар таклифи асосида гузарлар, чойхоналарда ҳам кўпчиликни қизиқтирган масалалар юзасидан мулоқотлар бўлиб ўтмоқда. Буларнинг ҳаммаси сайловларга пухта тайёргарлик кўришда муҳим омил бўлаяпти.

**Н.ЗУФАРОВ,**
**Юнусобод туманидаги 56-Отчопар округ сайлов комиссияси раиси.**

## ЎЗБЕКИСТОН ИСТЕЪДОДЛАРИ

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги ҳузурида фаолият кўрсатиб келаётган «Ўзбекистоннинг ёш истеъдодлари» оркестри чет мамлакатларда бир неча бор гастролда бўлди.

Германия мусиқа кенгаши таклифи билан оркестр немис диёрида бўлди. Ижодий сафар давомида «Ўзбекистоннинг ёш истеъдодлари» Германиянинг 16 та шаҳрида концертлар қўйиб берди.

Худди шу ерда бўлиб ўтган мусиқа фестивалида ҳам оркестр фаол иштирок этди. Ёш созандаларнинг ижрочилик маҳорати фестивал ҳакамлари томонидан муносиб тақдирланди.




**Умр-оқар дарё, дейдилар. Ана мана дегунча ўтиб кетади. Лекин орамизда шундай кишилар ҳам борки, ана шу қисқа умри давомида эл-юрт учун бебаҳо ишларни амалга оширади. Бугун Сурхондарё вилоятидаги Паттакесар қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилаётган кишилар Маматқуловлар оиласи амалга оширган ишдан мамнун бўлишиб уларга таҳсин айтишмоқда. Сабаби оила бошлиқлари Шермуҳаммад ака ва Гулсара опалар ташландиқ жойда маҳалла гузари бунёд этишди. Гузарда ўнлаб хизмат турлари аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Тўй ва маросимлар ўтказиладиган хона, ошхона, тикувчилик цехи, новвойхона, сартарошхона хизматидан барча мамнун. Муҳими, гузар қурилиши билан қишлоқ ҳуснига ҳусн қўшилди. Ҳозир бу ерда 30 киши иш билан таъминланди. Келгусида яна 70 га яқин иш ўрни бунёд этиш мўлжалланмоқда.**

**Суратда: Маҳалла гузари кўриниши.**

**Б.ҲАМРОҚУЛОВ**
**олган сурат.**

## УНУТИЛМАС ОНЛАР

***Турли кўтарма механизмлар ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келаётган «Подъёмник» ҳиссадорлик жамияти учун бу йил самарали бўлмоқда. Корхона меҳнат аҳли республикамиздаги йирик қурилиш ташкилотлари ва илмий муассасалар буюртмаларини ҳоли ўз вақтида аъло сифатли қилиб адо этиб келмоқда.***

Тошкент «Метроқурилиш» трести томонидан берилган навбатдаги буюртма ҳам кўнгилдагидек этиб бажарилди. Метро йўли қурилишида фойдаланадиган 20 тонналик бу кўтарма кран ҳозир Юнусобод ерости йўналишидаги қурилиш майдончасига ўрнатилди. Шунингдек, корхона мутахассислари кўтарма кранларни ҳам тайёрлаб беришни ўз зиммаларига олдилар.

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳам «Подъёмник» корхонаси билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Олий ўқув юртларининг ўқув устахоналарида ишлатиладиган чилангарлик стол-мосламаларидан бир нечтаси буюртма асосида тайёрлаб берилди.

Бу хил дастгоҳлардан талайгинаси республикамизнинг Тошкент, Андижон, Фарғона вилоятларидаги ўқув даргоҳларига ҳам юборилади. Улар талаба ёшларнинг ишлаб чиқариш кўникмаларини оширишда муҳим техник восита бўлиб хизмат қилади.

Корхона Қўнғиротга юк кўтариш машиналарини тайёрлаб беришга ҳам киришди. Айни вақтда Россия Федерациясидаги қатор қурилиш ташкилотлари буюртмалари ҳам режали асосда ишлаб чиқарилмоқда.

«Подъёмник» ҳиссадорлик жамияти кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш борасида ҳам тажриба орттирди. Бугунги кунда корхонада тайёрланаётган маҳсулотларнинг деярли 24 фоизи ана шундай молларни ташкил этмоқда.

Айниқса, пластмасса буюмларига талаб ортиб бормоқда. Йил бошидан бери 6 миллион сўмликка яқин миқдорда шундай буюмлар ишлаб чиқарилиб, буюртмачиларга етказиб берилди.

## УШАЛГАН ОРЗУЛАР

### Велосипед сўраганди, мотоцикл беришди

***- Ана, ўзлари ҳам келиб қолдилар, - туман касаба уюшма қўмитаси раиси Абдураим Бойсариев эшик рўясида кўринган ўрта бўй, миқтигина одамга ишора қилди. - Танишинглар, боя мен айтган «Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги» ширкатлар уюшмаси раҳбари Али полвон Холназаров шу киши бўладилар. Меҳмон - «Ишонч» газетасидан. Ишларимиз билан қизиқиб келибдилар.***

Али полвоннинг чеҳрасига табассум югурди.

- Ундай бўлса, ўзимизники эканлар. Куни кеча касабақўм етакчимиз Умар Ҳошимов билан келгуси йилга обуна масаласида кенгашиб эдик. Ўнта обуна бўламиз, худо хоҳласа.

- Ўйлаб гапиринг, - орага сўз қўшди А.Бойсариев. - Яна ақча етмай қолиб...

Полвон энди ёйилиб кулди.

- Буёғидан хотиржам бўласиз, - деди у ишонч билан. - Меҳнат қилишни билган одам ақчани қандай сарфлашни ҳам билади. Илғорларни газетага бир йилга обуна қилиш билан мукофотласак, ёмонми ахир!

Бўлиб ўтган мутойиба беихтиёр қизиқишимизни оширди. Маълум бўлишича, хўжалик ташкил этилгандан бери пахта режаси бажарилмас экан. Сабабини айтишди: ер шўрхок, унумдорлик паст; шу боис деҳқонларнинг қўли ишга бормай қўйган экан. Аммо бу йил...

Қаловини топсанг қор ҳам ёғади. Ўз ёғига ўзи қоврилиб жизғанаги чиқиб ўтган туташ учта кичик хўжалик йириклаштирилиб, раҳбарликка унга муқаддам мустақил фермер бўлиб ишлаган Али полвон Холназаров тайинланди-ю, муз жойидан кўчди. Аввалambор иш ҳақи бериш тартибга солинди. Меҳнатга рағбат пайдо бўлди. Қарабсизки... Барчани ҳайратга солиб пахта ортиғи билан бажарилди, давлатга 1100 тоннадан зиёд қимматбаҳо хомашё сотилди. Бу ғалаба кенг нишонланди - ҳатто вилоят ҳокимидан табрик олинди.

Мукофотларни топшириш асноси айниқса ёдда қоладиган бўлди. Ким гилам, ким пул билан тақдирланди. Теримчилар ҳам, ҳашарчилар ҳам, механизаторлар ҳам қуруқ қолишмади. Навбат оилавий пудрат етакчиси Сайфулла ака Тўраевга келганда, қизиқ гап қилди.

- Неча йилдан бери шу хўжаликда ишлайман. Мана бу йил оила аъзоларим билан 54 гектарда деҳқончилик қилдик. Ўғлим Ботир комбайнчи. Лекин дала билан уйимиз ораси анча олис. Ҳеч бўлмаса велосипед бўлганида эди...

Сайфулла аканинг сўзларини туман ҳокими Рустамбек Турдиев ҳам эшитди. Дарҳол мукофотга мотоцикл ёзиб берилди!

Биз Ховосга борган куни туман пахта тайёрлаш йиллик режани уддалаганлиги муносабати билан ҳокимият ҳовлисида дастурхон ёзилганди. Шунинг учун хўжалик раҳбарларини ҳам, фаолларни ҳам, илғорларни ҳам суҳбатга тортиш осон кўчди. Сўз кўпроқ ижтимоий ҳимоя ва қишлоқларни ободонлаштириш хусусида кечди. Сув муаммоси кўтарилмади, чунки барча аҳоли яшаш пунктлари ичимлик суви билан тўла таъминланган экан. Газлаштириш эса тўқсон фоиз атрофида.

- Мустақиллик байрами арафасида «Оқчангал» қишлоғига газ етиб борди, - дейди Бобур номли ширкатлар уюшмаси раиси Эркин Йўлдошев. - Энди «Чашма» ва «Навбаҳор» қишлоқларига газ тортиш режалаштирилмоқда.

Касабақўм раиси Абдураим Бойсариев изоҳ берди.

- Қаерда нима қурилмасин , қандай иш амалга оширилмасин, асосий харажат хўжалик ҳисобидан эканлигини эслатиб қўйсам дегандим. Мана бу йил Бобур номли ширкатлар уюшмасида икки миллион сўм сарфланиб, янги қудуқ ишга туширилди. «Оқчангал» маҳалласида эса янги мактаб қуриб битказилди.

Хуллас, бутун Ўзбекистонимизда бўлгани каби Ховос туманида ҳам иқтисодий ислоҳотлар инсонлар манфаатига бўйсундирилганлигининг яна бир кара шоҳиди бўлдик. Энг муҳими, ҳеч ким томошабин бўлишни истамайди. Ким сўз билан, ким иш билан, ким сармоя билан зўр орзу-ҳавас ила бунёд этилаётган жамият пойдеворига битта бўлса ҳам ғишт қўйсам дейди.

Шу ерда айтиб беришди: «Фарҳод» ширкатлар хўжалиги марказида уч ойда қишлоқ врачлик амбулаторияси қуриб, фойдаланишга топширилибди. Ёки бўлмаса, туман марказидаги чойхона қайта таъмирланиб, ЗАГС биносига айлантирилганига нима дейсиз! Дарвоқе, шундай хайрли иш бошланганлигини эшитиб, оддий пахтакор Қурбон Холтўраев ўз ҳисобидан икки юз минг сўм олиб келиб берибди: «Фарзандларим, невара-чевараларим менга қараганда яхшироқ яшашини истайман», дебди барака топкур.

Марказий шифохонада диагностика бўлимининг очилиши эса кўплаб беморларни узоқ йўл босиб, шаҳарга қатнаш машаққатидан халос қилди...

Клублар, кутубхоналар, ҳаммомлар... Уларнинг ҳар бири алоҳида мавзу. Вақти келиб, албатта, унга ҳам қайтамиз. Аммо бизни ўйлантириб қўйган, мушоҳадага чорлаган бир жиҳатга лоқайд қололмадик. Илгари туманда бўлганимизда «бизнинг юртимиз - ҳожилар юрти» дейишган, буни муборак ҳаж сафарида бўлганлар жуда кўпчиликни ташкил қилиши билан изоҳлашган эди. Бу ғалги сафаримизда бошқа бир таърифни эшитдик.

- Ховос - улоқчи полвонлар юрти, - деди Али полвон Холназаров. - Марказий Осиёга донғи кетган улоқчилар - кўпкари усталари шу ердан чиққан. Рустам полвон Ўролов, Тўйчи полвон Хониқулов, Турсунқул полвон Мавлонов...

Кейин билсак, Али аканинг ўзи ҳам моҳир улоқчи, боз устига фарғонача миллий кураш бўйича спорт устаси бўлиб, вақти ҳар қанча тиғиз бўлмасин, кураш секциясида қатнашаётган йигирмага яқин йигитларга устозлик ҳам қилар экан. Нақадар ажойиб халқмиз-а!

Донишмандлардан бири шундай деган эди: Яшаш ва бахтли бўлиш ҳар бир кишининг ҳуқуқигина эмас, бурчи ҳамдир.

Бунга фақат битта қўшимча қилиш мумкин: Айниқса, Ўзбекистон каби диёрда...

Ховосдан қайтаётиб, хаёлимиздан шу каби ёруғ фикрлар ўтди.

**М.ЗАЙНИДДИНОВ**

## САЛОМАТЛИК МАСКАНИ

***Соғлом авлод кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг асосий мағзини ташкил қилади. Паркент туманининг «Невич» қишлоғида «Қизилсой» болалар ва ўсмирларни соғломлаштириш жамоа корхонасини ташкил қилишдан кўзланган асосий мақсад ҳам бахтли болаликни таъминлашдан иборатдир.***

1997 йили ташкил топган мазкур соғломлаштириш корхонаси тасарруфида 8 та тўрт хоналик ва 8 та ўн хоналик коттежлар бўлиб, барча хоналар замонавий талаблар даражасида ва энг сўнгги андозаларда жиҳозланган. 220 болага мўлжалланган мавжуд корпуслар ёнига янгиларининг қурилиши натижасижа бир вақтнинг ўзида 420 ўсмир дам олиш, ўз соғлиғини тиклаш имконига эга бўлди.

Корхонанинг ўз ёрдамчи хўжалиги бўлиб, унда 30 та қорамол боқилаяпти. Бундан ташқари, 5 гектар ердаги мевазор боғ, узумзор ҳам болаларга ўз нозневъматларини тортиқ этмоқда. Ёрдамчи хўжаликда етиштирилган маҳсулотлар дам олувчилар дастурхонини қишин-ёзин бирдек тўкин бўлишини таъминламоқда.

Моддий-техник жиҳатдан тўла таъминланган «Қизилсой» болалар ва ўсмирларни соғломлаштириш корхонаси ёшлар соғлиғини тикловчи замонавий муассасалардан бирига айланиб бормоқда. Яқинда яна физиотерапия бўлимига бир миллион сўмлик замонавий тиббий ускуналар ўрнатилди. Ибратли фаолият кўрсатаётган мазкур бўлим ҳам ёш авлодни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялашда муҳим рол ўйнамоқда.

**А. НОРМУҲАМЕДОВ.**

## *Касаба уюшмалари меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси*

# НОҲАҚЛИК ҚАЕРДА ВА НЕГА СОДИР БЎЛАДИ?

**Меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш, меҳнатни муҳофаза қилиш Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши фаолиятида алоҳида ўрин тутади. Қуйида бу борада амалга оширилаётган ишлар, тажрибалар, ечимини кутаётган муаммолар хусусида ҳикоя қилинади.**

Касаба уюшмалари меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси дея эътироф этилиши зиммамизга улкан масъулият юклайди. Одамлар ишончини оқлаш, давр талабларига монанд равишда фаолият юритиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида икки томонлама битим тузилган. Унинг барча бандлари бажарилиши қатъий назоратга олинган. Шунингдек, маъмурият билан мулкчилик шаклидан қатъи назар, ҳар бир меҳнат жамоасининг касаба уюшма қўмитаси ўртасида жамоа шартномаси, битим тузилиб, томонларнинг мажбуриятлари аниқ-равшан белгиланган. Лўнда ифодалаганда уларда корхона, ташкилотнинг иқтисодий фаолияти, мулкчилик шаклининг ўзгариши, меҳнатга ҳақ тўлаш, бандлик кафолати, иш ва дам олиш вақти, интизом ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат низоларини ҳал этиш тартиби каби масалаларга эътибор кучайтирилган.

Бозор талаби қатъий. Табиийки, ютуқлар билан бирга муаммолар ҳам етарли. Демак, омилкорлик, қатъиятлик кўрсатиб, инсон омилига эътиборни имкон қадар кучайтирган ҳолда ишлаш керак. Биз фуқаролар мурожаатларига масъулият билан ёндашаяпмиз. Сўнгги 4-5 йил ичида ҳуқуқ нозирларимиз томонидан 223 та ташкилот, муассаса ва идораларнинг фаолияти текширилди. Шунда 524 та меҳнат қонунчилиги бўйича қоидабузарлик аниқланди, меҳнаткашларнинг 216 та аризалари, мурожаатномалари синчковлик билан кўриб чиқилди. Мингга яқин киши шахсан қабул қилиниб, кўпларининг мушкуллари осон этилди.

Очиқ эътироф этиш керак, баъзи раҳбарлар, мутахассисларда ҳамон ҳуқуқий саводхонлик етишмайди. Айримлари эса инсон тақдири билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда бир ёқлама ёндашадилар, ҳуқуқшунослар билан маслаҳатлашмайдилар. Айрим ўринларда «Мен раҳбарман, меники тўғри» қабилида иш юритилаётганлиги ноҳақликни юзага келтириб чиқармоқда. Мисолларга эътиборни қаратайлик. Юнусобод туманидаги «Экосан-Кадар» илмий ишлаб чиқариш фирмасининг ходими М.Юдина билан шахсан суҳбатлашилмай, унинг розилигисиз ишдан бўшатилган. Оқибатда у муайян вақт идорама-идора юришга мажбур бўлган. Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши ходимлари, мутахассислари аралашувидан сўнг М.Юдина аввалги иш жойига тикланди.

Бозор шароитида меҳнат жамоаларида иш жойлари қисқариши кутилган ҳол. Бироқ, ҳар бир тадбирни мавжуд қонун-қоидаларга риоя қилган ҳолда амалга ошириш керак. Энг муҳими, инсон кўнгли дарз кетмасин, ҳақ-ҳуқуқи камситилмасин. Қатъиятлик билан қилинаётган саъй-ҳаракат туфайли адолат тикланмоқда. Кези келганда Чилонзор туманидаги «Шо-Анвар-Савдо» дўкони ходимлари О.Расулов, М.Исмоилов, Г.Икромов, Собир Раҳимов туманидаги «Компрессор» корхонаси ишчиси Д.Раимжонова, Тошкент Давлат техника университети профилакторийси ходими М.Ҳакимова, Мирзо Улуғбек туманидаги мактаб-интернат мутахассиси О.Каштанова ҳам ўз иш жойларига тикландилар.

Ҳар бир меҳнаткаш ўз ҳақ-ҳуқуқи, мажбуриятларини тўла англамоғи, фуқаролик жамиятини барпо этишда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун корхона, ташкилотларда юридик ҳужжат - жамоа шартномасини тайёрлаш ҳамда қабул қилишда ҳар бир ходим фаол иштирок этиши керак. Жорий йилда пойтахт корхоналари, ташкилотларида 1347 та жамоа шартномаси ва битимлари тузилди. Бу ўтган йилга нисбатан сезиларли даражада кўпдир. Эътиборлиси шуки, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоячиси бўлмиш мазкур ҳужжатларда аёллар учун қатор имтиёзлар яратилган.

Давр биздан доимий изланиш, масъулиятни дадил зиммага олиш, муаммоларни иложи борича жойида ҳал этишни талаб этмоқда. Буни яхши тушунган техник нозирларимиз сўнгги йилларда 2500 дан зиёд катта-кичик жамоанинг фаолиятини синчиклаб ўргандилар. Шунда меҳнат тўғрисидаги қонунчилик, техника хавфсизлиги талаблари бузилганлиги аниқланди. Уларни бартараф этишга қаратилган 40 мингдан зиёд тадбирлар амалга оширилди. Муросасозликка йўл қўйилмаяпти. Кишилар соғлиғи ва ҳаётига хавф солувчи 120 та цех, ишлаб чиқариш участкалари, 1280 та дастгоҳ, машина механизмлар тўхтатиб қўйилди. Қоидабузарликка йўл қўйган, инсон омилини унутган 237 нафар мансабдор шахсларга маъмурий чора кўрилиб, жарималар солинди.

Лоқайдлик - қалб фалажи. Бу касалга мубтало бўлиш ҳунук оқибатларни келтириб чиқаради. Баъзан ўйга толасан киши, шундай раҳбару мутахассислар борки, улар бошига ташвиш тушган инсонларга ёрдам кўрсатишдан ўзларини четга оладилар. Баъзида эса ўз совуққонликларини, масъулиятсизликларини ҳаспўшлашга уринадилар. Қуйидаги мисоллар ана шу фикрнинг исботи. Республика меъморлар уюшмаси қошидаги «Адамов» ижодий устахонасининг ишчиси В.Сорокина ўз хизмат вазифасини бажараётганда бахтсиз ҳодиса содир бўлди. Устахона раҳбарияти тегишли далолатномани беришдан бош тортиб, жабрланган ишчини анча вақт овора қилди. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимимиз қатъиятлик кўрсатгандан кейин масала ижобий ҳал қилинди. Мана бунга нима дейсиз: «Ўзбекйўлқурилиш» бирлашмасига қарашли 851-қурилиш бошқармаси оператори А.Борзаков ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатида ҳаётдан кўз юмди. Унинг қарамоғида бўлган 66 ёшли онаси амалдаги қонунда назарда тутилган боқувчисини йўқотганлиги натижасида тўланадиган зарарни ундириш учун бош урмаган идора қолмаган. Охири бизнинг мутахассисларимизга арз қилиб келган. Адолатли талаб бошқарма раҳбари С.Коняев олдига кўндаланг қўйилди. Мутахассисларимиз Сергели тумани суди мажлисида қатнашиб, она талабини рўёбга чиқаришга эришдилар.

Мустақил Ўзбекистонимизда ҳар бир инсон юксак меҳрибонлик билан қуршаб олинган. Ишчи-хизматчи манфаатини ҳимоя қилиш, адолатни юзага чиқариш энг катта савоб. Бу йўлда бутун куч ва имкониятни ишга солаверамиз.

**Мирзоҳид СОДИҚОВ,**
**Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши раиси.**



# «МЎЪТАБАР»НИНГ ОДИМИ

**Тошлоқ туманидаги Бўстон қишлоғида бундан уч йил аввал «Мўътабар» номли сут кооператив жамияти ташкил этилган эди. Қисқа вақт ичида корхона нафақат туманда, балки вилоятда ҳам шуҳрат қозонди.**

Корхона Голландияда ишлаб чиқарилган «Ванрид» фирмасининг юқори сифатли технологияси асосида иш олиб бормоқда. Бугунги кунда жамиятга 20 га яқин қишлоқ ёшлари жалб қилинган. Улар кунига қайта ишланган 2 тонна сутдан, бир ойда 4 миллион 50 минг сўмлик пишлоқ, 630 минг сўмлик қаймоқ, 1 миллион 56 минг сўмлик қатиқ ишлаб чиқармоқда. Корхона учун керакли сут маҳсулотини вилоятнинг Охунбобоев, Ёзёвон туманлари деҳқон фермер хўжаликлари етказиб беради.

Мазкур кооператив сут жамиятининг келгуси режаси рақобатдош маҳсулотлар турини янада кўпайтириб, республикамиз аҳолисини керакли сут маҳсулотлари билан таъминлаш билан бирга, ҳамдўстлик мамлакатлари аҳолисига ҳам маҳсулот етказиб беришни йўлга қўйишдир.

Ҳозир корхонада ишлаб чиқарилган ўн хилга яқин маҳсулот турлари Тошкент, Андижон, Фарғона, Марғилон шаҳарлари аҳолисига етказиб берилмоқда. Айни пайтда, корхона ишчилари барча эзгу мақсадларини амалга ошириш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

**Суратда: корхона лаборатория ишчиси Шоҳиста Эргашева.**

**Ш.ОЛИМОВ (ЎзА)**
**олган сурат.**

*Энг катта савоб*

# ДОРИ-ДАРМОН ТЕКИН

Инсон саломатлиги - бебаҳо бойлик. Лекин ҳаётда бировлар бемор, ногирон, ёрдамга муҳтож бўлиб қолиши мумкин. Ундайлар бошқалар меҳрига ҳам ўзларида эҳтиёж сеза бошлашади. Оққўрғон туманидаги «Наврўз» хайрия жамғармаси ходимлари ана шундай пайтларда улар дардига малҳам бўлишга ҳаракат қилиб келишмоқда.

— Туманимизда истиқомат қилаётган етимлар, ногиронлар, ёлғизлар, кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиб келмоқдамиз, - дейди туман «Наврўз» хайрия жамғармаси раиси Малика Турдибоева. - Туманимиздаги 78-мактаб болалари учун ҳар йили «Меҳрижон» байрамини тантанали ўтказишга кўмаклашашамиз. Бу йил ҳам бу ерда тарбияланаётганларга ҳар хил китоблар олиб берилди ва совғалар топширдик.

Оққўрғон тумани ҳокимиятининг ёрдами билан туман хайрия марафони ўтказилиб, ҳисоб рақамимизга икки юз минг сўмдан ортиқ маблағ ҳомийлар томонидан ўтказилди. Бизга туман матлубот ҳиссадорлик жамияти доимо ҳомийлик қилиб, савоб ишга қўл уриб келишмоқда. Уларнинг ёрдами ва туман хайрия марафонимиздан тушган маблағлар ҳисобидан шаҳримизда яшовчи Рая Туманова ва Лариса Қурбоноваларнинг болалари кийим-бош, ўқув қуроллари билан таъминланди.

«Қаҳрамон» жамоа хўжалигида яшовчи Абдураззоқ ака Анорқулов оиласига 3500 сўмлик керакли моллар етказиб берилди. «Гулистон» жамоа хўжалигида истиқомат қилаётган Ҳафиза опа Каримова оиласига озиқ-овқат, кийим-бош, Райим Мирзаев оиласига ҳам 5000 сўмлик дори-дармон олиб берилди ва Охунбобоев номли жамоа хўжалигида яшовчи Қудрат ака Ражабовнинг умр йўлдошига ўшанча миқдорда дори-дармондан ёрдам берилди. Шунингдек, Анорбой ака Абдуллаевга «Меҳригиё» жамғармасининг дорилари ёрдамида бепул тиббий ёрдам кўрсатилди.

Бизга ўзларининг беминнат хизматлари билан «Тоштўғон» қишлоқ фуқаролар йиғини раисаси Холбуви Қаҳҳорова яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

**П.ЭРГАШЕВ.**

# OLAMDA NIMA GAP

**Р И М.** Италиянинг Милан шаҳрида иккита портловчи ускуна зарарсизлантирилди. Улардан бири почта орқали полицияга юборилган видеокассетага жойланган эди. Полиция бўлими бошлиғи бу кассетадан шубҳаланиб, фавқулодда вазиятлар бўйича мутахассисларга хабар берди. Мутахассислар портловчи ускунани зарарсизлантириб, хавфни бартараф этди.

Иккинчи портловчи ускуна шаҳар марказидаги Диас майдонидан топилди. Соат механизми ёрдамида ишлайдиган ушбу бомбани икки ўсмир кўриб қолиб полицияга мурожаат қилган.

* * *

**Н А Й Р О Б И. Ҳинд океани ҳавзасида жойлашган бир неча давлатнинг божхона, полиция ва иммиграция хизмати ходимлари наркобизнесга қарши кураш бўйича ўқув курсларига қатнашмоқда. Бундан мақсад минтақадаги гиёҳвандлик моддаларини ва наркобизнес билан шуғулланувчиларни аниқлашда полиция ва божхона хизмати ходимлари фаолиятининг самарадорлигини оширишдир. Ўқиш жараёнида гиёҳванд моддаларнинг турини аниқлаш, шубҳа остидаги шахсларни тергаш ва ҳужжатларни ўрганиш бўйича амалий машғулотлар ўтказилади.**

* * *

**А Н Қ А Р А.** Туркия ва Озарбойжон халқаро террорчилик, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қиладиган бўлди. Икки мамлакат ички ишлар вазирлари бу ҳақдаги ҳужжатга имзо чекди.

Туркия ички ишлар вазири Садеттин Тантаннинг айтишича, бу ҳужжат икки давлат ўртасидаги 1994-96 йилги келишув доирасида тузилган. Унга кўра, Туркия ва Озарбойжоннинг махсус хизматлари керакли ахборотларни ўзаро алмашади ва ҳамкорликда фаолият юритади. Озарбойжон вазири Рамил Усубов ўз мамлакати ҳужжатни ҳаётга самарали тадбиқ этишда бор имкониятни ишга солишини билдирди.

* * *

**ВАШИНГТОН. АҚШ қишлоқ хўжалик вазири Дэниел Гликманнинг маълум қилишича, Россия 2000 йилда ёрдам тариқасида АҚШдан 5 миллион тонна озиқ-овқат маҳсулотлари олади. Шунингдек, Россия ҳукумати Америкадан яна катта миқдорда ун ва гўшт маҳсулотлари беришни илтимос қилган.**

* * *

**ТОКИО**. Япония автомобилсозлар уюшмаси ҳисоб-китобларига кўра, жорий йилнинг апрелидан сентябригача мамлакатда 4,7465 дона автомобил ишлаб чиқарилган, яъни ҳажм ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,1 фоиз ортган.

«СИНХУА» ахборот агентлиги тарқатган хабарда таъкидланишича, Японияда автомобил экспортининг ортаётгани ҳам кузатилаётир.

**(ЎзА)**

## Бир шикоят изидан

# «...МЕНГА АДОЛАТ ҚИЛИНГ»

**Биз қаламга олаётган «Қаршиирмонтаж» трестига қарашли 2-махсус механизациялашган кўчма колонна маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси фаолиятида амалдаги қонунларга риоя қилмаслик оқибатида рўй берган нохушликлар кишини ташвишга солмасдан қолмайди.**

**Ушбу воқеани бир бошдан эшитган маъкул:Қашқадарё вилоят касаба уюшмалари кенгашига бир жувон кириб келди. Кўринишидан анчайин чарчаган, асабийлашган. Ҳаяжонини босиб олгач, танишиб чиқишлик учун бир нечта ҳужжатни узатди-да:**

**"Мени ишдан ноҳақ бўшатишди. Анчадан буён соғлиғимнинг мазаси йўқ. Ҳақиқат излаб «Қаршиирмонтаж» трестига бордим. У ердагилар менинг арзимни тинглашмади. Сизлардан нажот истаб келаяпман,-деди.**

Ўзаро суҳбатдан шу нарса маълум бўлдики, «Қаршиирмонтаж» трестига қарашли 2-махсус механизациялашган кўчма колоннада 2-тоифа мутахассис бўлиб ишловчи Ҳанифа Амерқулова мазкур корхонага 1994 йилнинг август ойида ишга кириб, 1998 йилнинг 2 октябригача бирон марта меҳнат интизомини бузмаган. 1999 йилнинг 23 сентябрида эса корхона раҳбари Алиқул Ниёзов соат 18.00 да йиғилиш борлигини айтганда, Ҳ.Амерқулова бетоблиги учун йиғилишда қатнаша олмайди. Уйга келгач, «тез ёрдам» чақиртириб, муолажа олади. Эртасига Қарши шаҳридаги I-сон шифохона акушер-генекологи Дилфуза Раҳмонова қабулида бўлганида у албатта, ётиб даволаниш зарурлиги ҳақида маслаҳат беради. Бемор 26 сентябр, якшанба куни яна соғлиғи ёмонлашгани сабабли вилоят тиббиёт ташҳис марказининг генекология шифохонасида 8 октябргача даволанди. 9 ва 10 октябр - дам олиш кунлари бўлганлиги учун душанбада одатдагидек ишга чиқди. Ишхонада унга атаб «ажойиб совғалар» тайёрлаб қўйилганлигини эшитиб, ҳангу-манг бўлиб қолди.

— 2 октябр куни ишга чиқсам,-изоҳлайди Ҳ.Амерқулова,-корхона раҳбари А.Ниёзов «Сиз 24 сентябрда ишдан бўшатилгансиз»,-деб қўлимга буйруқни тутқазди ва «Хоҳлаган жойингизга шикоят қилишингиз мумкин», - деди.

Биз газетхон шикоятидаги далиллар қанчалик ҳақиқатга тўғрилигини билмоқ учун вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма ўмитасининг вакили Парда Тоғаев билан 2-махсус механизациялашган кўчма колоннада бўлдик.

Аввало, шуни айтиш керакки, касаба уюшма қўмитасида жамоа шартномасидан тортиб, ҳар бир ишчининг оилавий шароити рўйхати, бошланғич ташкилот ҳужжатлари, унинг аниқ иш режаси ва тадбирлари бўлиши керак. Лекин, Бекназар Лўлиев раҳбарлик қилаётган касаба қўмитада юқоридаги ҳужжатлардан фақатгина жамоа шартномаси бор эди, холос.

Шу ҳақдаги саволимизга у:

— Ҳужжатлар менда эмас, муҳандиснинг сейфида,-деди.

—Ушбу ҳужжатлар ўзингизда туриши керак-ку?

—Шундайку-я, лекин...

Энди Ҳанифа Амерқулованинг иши билан боғлиқ ҳужжатларга разм соламиз: 1999 йилнинг 6 сентябрида корхона касаба уюшмасининг мажлиси баёни нотўғри талқин этилган. Аслида касаба уюшма қўмитасининг йиғилиши бўлиши ўрнига, касаба уюшмасининг йиғилиши бўлиб мажлис баёни ёзилган. Унда корхона ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи К.Халимов Ҳ.Амерқулованинг ишидан норози бўлиб бошлиқ номига ёзган билдиришномаси кун тартибига қўйилган. Шу асосда сўзга чиққанлар Ҳ.Амерқулова ўзига топширилган вазифани бажармаганлигини уқтириб ўтишади. Бўлим бошлиғи К.Халимов Ҳ.Амерқуловага ишни бажармаганлиги учун чора кўришни сўраб билдиришнома ёзган бўлса, бошлиқ бу вазифани бошланғич касаба уюшма қўмитаси раисига чора кўриш учун йўллаган. Ўз навбатида касабақўм раиси йиғилишда бу ҳужжатни кўриб чиқиб, чора кўришни яна маъмуриятдан сўраган. Шундай қилиб 2-махсус механизациялашган кўчма колонна бошлиғи А.Ниёзов Ҳ. Амерқуловага 1999 йил 8 сентябрдаги 95-буйруқни чиқариб, касаба уюшмасининг 1999 йил 6 сентябр мажлис баёни асосида Меҳнат Кодексининг 181-моддасининг I-қисми билан ҳайфсан эълон қилади. Лекин, Ҳ.Амерқуловадан тушунтириш хати ёздириб олинмайди ёки буйруқ билан таништирилганлиги ҳақида имзо чектирилмайди.

Агар Ҳ.Амерқулова тушунтириш хати ёзмаган бўлса, унда нима учун ходимлар бўлими бошлиғи далолатнома тузиб, раҳбарга бермади?

—Далолатнома тузишни билмабмиз,-дейди ходимлар бўлими назоратчиси Акрам Қурбонов,-бунинг учун айбдорман. Бундан кейин камчиликларимизни тузатамиз.

Бу ҳам майли. Ҳ.Амерқуловани ишдан олиш учун нимаики керак бўлса, ҳужжатлаштирилиб, бошлиққа тақдим этилди. Биринчи бўлиб,ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Комил Халимов «ташаббус» билан чиқиб, Амерқулова 22 сентябр куни тушгача иш ўрнида бўлмаганлиги ҳақида бошлиққа билдиришнома ёзиб берди. Бошлиқ бу ишни кўриб чиқиш ва чора кўриш учун касаба уюшма қўмитасига йўллади. Бош ҳисобчи Т.Суляева ҳам Ҳ.Амерқулова ўз ишини сидқидилдан бажара олмаётганлиги ҳақида айнан 23 сентябр куни бошлиққа билдиришнома ёзди. Ўз навбатида бошлиқ «жамоа аъзолари билан кўриб чиқиш ва чора кўриш учун» мазкур ишни яна касабақўм раисига оширди. Корхона ходимлар бўлими назоратчиси Акрам Қурбоновнинг корхона раҳбари А.Ниёзов номига ёзган билдиришномасини ўқисангиз кулишни ҳам, куйишни ҳам билмайсиз. Унда шундай дейилади:

«Сизга шуни ёзиб маълум қиламанки ШБХК бўйича II-тоифа мутахассис (?!)1999 йилнинг 22 сентябр куни 8.00 дан 12.00 гача (?!) сабабсиз ишга келмади. Шу муносабат билан чора кўришингизни сўрайман деб: А.Қурбонов. 23.09.1999 йил.»

Энди ҳақли савол туғилади: А.Қурбонов кимга чора кўришни сўраяпти? Мантиққа тўғри келмайдиган бу иш кимга ва нима учун керак бўлиб қолганлигини 2-махсус механизациялашган кўчма колонна раҳбари-ю, унинг касаба уюшма қўмитаси раиси, қолаверса «Қаршиирмонтаж» трестидаги мутасадди раҳбарлар кўриб чиқиб, холисона баҳоларини айтадилар деган умиддамиз. Қизиғи шундаки, юқоридаги барча ҳужжатлар айнан бир кунда, яъни 23 сентябр куни ёзилганлиги кишида шубҳа уйғотмасдан қолмайди.

Ҳ.Амерқулова бошлиқ номига берган тушунтириш хатида 22 сентябр куни К.Халимовдан тушгача жавоб сўраб кетганлигини баён қилади. Бўлим бошлиғи эса «Мен фақат икки соатга рухсат этгандим»дейишдан нарига ўтмаяпти.

Кимга ишониш керак? Афтидан буларнинг ҳаммаси Амерқуловани ишдан олиш учун «атайлаб уюштирилган чора-тадбир»ларга ўхшаб кетади.

Мазкур кўчма колонна касаба уюшмаси ва меҳнат жамоасининг қўшма мажлиси чақирилиб, ушбу қарор асосида 24 сентябрдан Амерқулова эгаллаб турган вазифасидан озод этилган. Аслида эса бунинг учун биринчидан, меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш масаласи фақат касабақўм йиғилишида кўриб чиқилиши, бундан ташқари, касаба уюшмаси аъзоларининг сони ва исми-фамилияси кўрсатилиши керак эди. Нима учун айрим аъзоларнинг қатнашмаганлиги сабаблари ҳам ёзилмаган. Ишдан олиниши керак бўлган ходим ушбу йиғилишда қатнашиши, агар айби бўлса ундан тушунтириш хати олиниши лозим эди. Корхона раҳбари А.Ниёзов ходим Ҳ.Амерқулова билан меҳнат шартномасини бекор қилиш учун корхона касаба уюшма қўмитасига ёзма равишда розилигини сўраб, алоқа хати бериши керак эди. Ушбу мажлис қарорида эса «ўзаро фикр алмашиб» ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш яна маъмуриятдан сўралгани кулгили ҳол эмасми?

Бундан ташқари, «айбдор»дан «айбига иқрор»лиги ҳақида тушунтириш хати олинмаган ва ана шу мажлис қарори асосида 1999 йилнинг 24 сентябрида Меҳнат Кодексининг 100-моддаси 3-қисми бўйича у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган. Мана, сизга бир ходим тақдирига бўлган муносабат. Шундай қилиб, II-тоифали мутахассис, 1978 йил Бухоро озиқ-овқат, енгил саноат технологияси институтини тугаллаган, 26 йиллик меҳнат стажига эга, 3 нафар фарзанднинг онаси ишдан озод қилинган.

Энди масаланинг иккинчи томони: корхонада меҳнат жамоаси йиғилиши бўлиб, ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинган 24 сентябр куни Ҳ.Амерқулова ҳақиқатан ҳам Қарши шаҳридаги I-шифохона акушер-генекологи Дилфуза Раҳмонова кўригида бўлган.

Шифокор кўргазмасидан маълум бўлишича, Ҳ.Амерқуловани ишдан бўшатишда қилинган саъй-ҳаракатлар унинг асабига таъсир этмай қолмаган. Натижада сурункасига даволаниб юрган. Вилоят тиббий ташҳис маркази генекология шифохонасининг мутахассиси Насиба Эгамова ҳам бу касаллик кўпроқ асабийлашганда юзага келишини таъкидлади. Демак, уни бўшатишган куни Ҳ.Амерқулова ҳақиқатан ҳам бетоблиги сабабли шифокорга учрашган ва бу ҳақда тегишли ҳужжат ҳам бор.

Ваҳоланки, Меҳнат Кодексининг 100-моддаси 6-қисмида «...Ходим вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди...» дея очиқ-ойдин кўрсатиб ўтилган.

Корхона раҳбари ёзилган билдиришномаларни ўз ҳуқуқи доирасида (Меҳнат Кодексининг 182-моддаси) ҳал этиши лозим эди.

Ўйлаймизки, ҳақ жойида қарор топади.

**Шавкат СУЛТОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

